

ТИББИЁТ ОЛИЙГОҲИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ
ЭМОЦИОНАЛ ВА КОММУНИКАТИВ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ
(Экспериментал тадқиқот натижалари)

Джамалдинова Шахло Облобердиевна

пед.ф.ф.д. (PhD), доцент,

ўзбек тили ва адабиёти рус тили билан кафедраси мудири,

Самарқанд давлат тиббиёт университети

METHODS FOR ASSESSING EMOTIONAL AND
COMMUNICATIVE COMPETENCIES OF MEDICAL
STUDENTS

(Results of an experimental study)

Djamaldinova Shakhlo Obloberdiyevna

PhD, Associate Professor,

Head of the Department of Uzbek Language and
Literature with Russian Language, Samarkand State Medical
University

МЕТОДЫ ОЦЕНКИ ЭМОЦИОНАЛЬНО-
КОММУНИКАТИВНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ
СТУДЕНТОВ МЕДИЦИНСКОГО ВУЗА

(Результаты экспериментального исследования)

Джамалдинова Шахло Облобердиевна

д.ф.пед.н. (PhD), доцент,

заведующая кафедрой узбекского языка и литературы с русским
языком,

Самаркандский государственный медицинский университет



[Djamaldinovashaxlo@
mail.ru](mailto:Djamaldinovashaxlo@mail.ru)

[https://orcid.org/0000-
0001-6699-3752](https://orcid.org/0000-0001-6699-3752)

Аннотация: Ушбу тадқиқот ишмида тиббиёт олийгоҳи талабаларининг эмоционал ва коммуникатив компетентлигини баҳолаш усуллари ва олиб борилган тажриба синов натижалари тақдим этилган. Бўлажак шифокорларнинг профессионал мулоқот жараёнида ўз ҳис-туйғулари ва уларини бошқариш, беморларларнинг ҳис-туйғулари ва уларни тушуниш ҳамда даволаш жараёнида конструктив мазмунини қуришда ҳисобга олиш қобилиятида намоён бўлади.

Калит сўзлари: ҳиссий-коммуникатив компетенция, олий тиббий таълим, бўлажак шифокор, касбий идентификация, усуллар, тажриба-синов.

Abstract. In this research, emotional and communicative competence is presented as a personal resource of the future physician. It is manifested in the ability to recognize and regulate one's own emotions, to understand the emotions of communicators, and to take them into account in building constructive interactions during the treatment process. Within the framework of this study, the main objective of the experimental work was to methodologically improve the development of emotional-communicative competencies of medical university students, test the proposed methods in practice, and determine their effectiveness.

Key words: emotional-communicative competence, higher medical education, future physician, professional identification.

Аннотация: В данной исследовательской работе представлены методы оценки эмоционально-коммуникативной компетентности студентов медицинского вуза и результаты проведённых экспериментальных исследований. Целью экспериментальных исследований является совершенствование методики, направленной на развитие эмоционально-коммуникативной компетентности студентов высших медицинских учебных заведений, её практическая апробация и определение её эффективности.

Ключевые слова: эмоционально-коммуникативная компетентность, медицинское образование, врач, методы, экспериментальное исследование.

Кириш. Мамлакатимизда олий тиббий таълим соҳасини ислоҳ қилиш юзасидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида давлат томонидан қўйилган ижтимоий буюртмани таъминлаш, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш тизими ҳамда билим, кўникма, малака, компетенциялари даражасини ривожлантириш бўйича турли миллий ва халқаро дастурлар амалиётга киритилди. Сўнгги йилларда тиббий таълимдаги янгиланишлар талабанинг эҳтиёжига таянган, клиник вазиятларга боғланган ва узлуксиз давом этадиган компетенциявий ривожланиш умумий мақсадга хизмат қилмоқда. Мазкур йўналишларда бажарилган ишлар билан бир қаторда, назарияда ифодаланган soft skills – юмшоқ кўникмаларни ривожлантириш методикасининг ташкилий функцияларини амалиётда тўлиқ қўлланилишини таъминлаш, тиббиёт педагогикасини ривожлантириш зарурати юзага келмоқда. Бу жараёнда, айниқса, тиббиёт вакилларида эмпатия, фаол тинглаш, мулоқот маҳоратига эришиш, ўзини бошқара олиш каби ҳиссий-коммуникатив компетенциялар алоҳида устуворлик касб этади.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Коммуникативлик тушунчасининг илмий-тадқиқий асослари, бўлажак мутахассисларда мулоқот, коммуникатив компетенцияларни ривожлантириш, таълим олувчиларнинг билиш жараёнларини фаоллаштириш, инсон интеллект, ҳиссий интеллектни ривожлантириш орқали талабаларнинг метакогнитив имкониятларини кенгайтириш, касбий тафаккур, касбий идентификация назарияларига доир тадқиқотлар республикамизда Х.А.Юлбарсова, Б.Н.Умаров, А.Б.Рахмонов, Д.Х.Шадманкулова, Ш.Примов, О.И.Ядгарова, С.С.Смирнова, М.Й.Эгамназаров, Д.Ш.Олимова, хорижда

В.И.Курбатов, Nora C.Quebral, Rajesh Kumar, Melissa Ashman, Thomas Jenatsch va Richard Bauer, R.Ellis & A.McClintock, Viktoriya Sus, Chris Drew, Dan Sperber, Deirdre Wilson, E.Wenger ва бошқаларнинг изланишларида тадқиқ қилинган.

Олий тиббий таълимда талабаларга педагогика фанини ўқитиш, тушунчаларни сингдириш, мулоқот маданияти, коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришга доир манбалар кўп бўлса-да, бир қатор ечилмаган масалалар мавжуд. Аввало, ҳиссий коммуникатив компетенциялар – яъни эмпатия, фаол тинглаш, қийин суҳбатни олиб бориш, бемор-марказли тушунтириш, ўз ҳиссиётини бошқариш, биргаликда қарор қабул қилиш, клиник мулоқот бўйича ўқув натижалари, индикаторлар ва баҳолаш мезонларини ўқув дастури ҳамда амалиёт билан изчил боғлаш зарур.

Ҳиссий-коммуникатив компетенцияларнинг шаклланиши учун маълум бир босқич вазифасини ўтаган ва ҳозирда ҳам пойдевор сифатида хизмат қилувчи интеллект, компетенция, қобилият ва хусусият, деб номланувчи қуйидаги моделлар: Mayer va Saloveyning қобилият модели; Bar-On хусусият модели; Goleman хусусият модели; Petrides va Furnham хусусият модели; Sxererning ҳиссий компетенция модели муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур тадқиқот доирасида тажриба-синов ишларининг мақсади сифатида олий тиббий таълим муассасаси талабаларининг ҳиссий-коммуникатив компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган методик такомиллаштириш, уни амалиётда синаб кўриш ва самарадорлигини аниқлаш белгиланди. Тажриба-синов ишларининг методологик асослари психологик-педагогик тадқиқот мезонларига таяниб қурилди. Тажриба-синов

ишларини ўтказиш учун майдончалар сифатида Самарқанд давлат тиббиёт университети, Тошкент тиббиёт академияси ва Бухоро давлат тиббиёт университети танлаб олинди ва бунда тажриба гуруҳида 266 нафар, назорат гуруҳида 254 нафар, жами 520 нафар талаба қатнашди. Тажриба-синов ишлари мазмуни қуйидаги шакл ва методлар асосида ташкил этилди: сўровномалар, график ва диаграммалар

тахлили, интроспектив ёндашув, кўрсаткичлар ва индикаторлар асосидаги баҳолаш.

Натижалар. Амалга оширилган тажриба-синов ишлари жараёнининг юқорида белгиланган мезонлар бўйича натижадорликни аниқлаш, етарли даражада эмпирик маълумотлар тўплаш имконини берди. Тажриба ва назорат гуруҳларида ўзлаштириш кўрсаткичларини умумий жадвални келтирамиз.

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Иштирокчилар сони	Даража			
		I	II	III	IV
Тажриба гуруҳи	266	41	81	88	56
Нazorat гуруҳи	254	59	105	62	28


Ўзлаштириш кўрсаткичларини Студент-Фишер критерияси асосида математик-статистик таҳлилини ўтказдик, тажриба ва назорат гуруҳларидаги баҳолаш

натижаларини мос равишда 1- ва 2- танланмалар сифатида белгилаймиз ва қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз (3-жадвал).

Тажриба ва назорат гуруҳларида натижаларининг вариацион қаторлари

1-танланма						
Тажриба гуруҳи	X_u	I	II	III	IV	Умумий сони
	n_i	41	81	88	56	$n=266$
2-танланма						
Нazorat гуруҳи	$Y_{ж}$	I	II	III	IV	Умумий сони
	m_i	59	105	62	28	$m=254$

Муҳокама: Жадвалдан танланмалар учун мос ўрта қийматлар $\bar{X} > \bar{Y}$ шартларни қаноатлантиришини аввалдан кўриш мумкин. Бу танланмаларга мос келган полигонлар чизилса, қуйидаги кўринишни олади (3-расм). Полигонда қайд этилган кесмалардан англаш мумкинки, бу танланмалар учун мос ўрта қийматлар ҳам $\bar{X} > \bar{Y}$ шартини қаноатлантиришини олдиндан кўрсатади:



3-расм. Умумий ўзлаштириш кўрсаткичларининг график кўриниши

маълумки, тажриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳидан юқори экан.

Ушбу ўзлаштириш кўрсаткичларини фоизларда ҳисоблаймиз:

$$\frac{\bar{X}}{3} \cdot 100\% - \frac{\bar{Y}}{3} \cdot 100\% = \frac{3,6 - 3,2}{3} \cdot 100\% \approx 0,13 \cdot 100\% = 13\%$$

Тажриба гуруҳининг кўрсаткичи назорат гуруҳиникига нисбатан 13% га ошганлигини кўриш мумкин. Олинган статистик далиллар ҳиссий-коммуникатив компетенцияни ривожлантиришга қаратилган симуляция, талабаларда мулоқотнинг когнитив ва

аффе́ктив компонентларини уйғун юксалтиришини кўрсатди.

Хулоса. Олий тиббий таълим талабаларининг ҳиссий-коммуникатив компетенцияларини ривожлантиришда турли илмий назарияларни ўрганиш, амалий имкониятларни тажрибада тадқиқ этиш ва олиб борилган изланишлар натижасида хулосалар келтирилди. Илмий манбалар доирасидаги таҳлиллар шуни англатадики, тиббий таълимда талабанинг нафақат назарий-клиник билимлари, балки ҳиссий коммуникатив компетенциялар –эмпатия, фаол тинглаш, ўз ҳиссиётини бошқариш ҳам марказий ўринда туради.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Примов Ш.Қ. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш: пед.фан.(PhD) дисс.ав. – Т., 2020. – 42 б.;
2. Ядгарова О.И. Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш механизмлари: (PhD) дисс. 2022. – 152 б.;

3. Курбатов В.И. Искусство управлять общением. – Феникс, 1997. - 347 с.;
4. Quebral Nora C. (1975), Development Communication; Where Does it Stand Today / Media Asia, Vol. 2 (4), p. 198.;
5. Mayer, J. D. Emotional intelligence as a standard intelligence / J. D. Mayer, P. Salovey, D. R.Caruso, G. Sitarenios // Emotion. – 2001. – V. 1. – P. 232–242.
6. Mayer, J.D. Emotional Intelligence meets traditional standards for an intelligence // Intelligence. – 1999. – V. 27. – P. 267–298.
7. Джамалдинова, Ш. (2023). Значение эмоционально-коммуникативной компетентности для развития успешной работы будущих медиков. *Общество и инновации*, 4(4), 114-118.
8. Джамалдинова Ш. О. ВАЖНОСТЬ РАЗВИТИЯ ЭМОЦИОНАЛЬНО-КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ В РАБОТЕ ВРАЧА //Язык. Образование. Культура. – 2023. – С. 55-57.
9. Джамалдинова, Ш. О. (2023). ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ ЭМОЦИОНАЛЬНО-КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ВРАЧА. In *Язык. Образование. Культура* (pp. 58-60)

